

(1806-йил 1-июн – 1860-йил 21-сентябр)  
(1826-1860)

Мангитлар сулоласидан бўлган Бухоро амири. Отаси Амир Хайдар хукмронлиги даврида Каршида ҳокимлик қилган. 1826-йили Амир Хайдар вафот этгач бир неча ой мобайнида Насруллонинг икки акаси - Хусайн ва Умар алмашилди. Биринчиси захарланди, иккинчиси эса ўлдирилди. Шу йили (1826) Амир Хайдарнинг учинчи ўгли шавкатсизлиги учун “Амири қассоб” лакабини олган Насруллохон тахтга ўтирди. Акалари ўлимидан кейин тахтга ўтирган Насруллохон қиска вақт ичида тахтга даъво қилиши мумкин бўлган авлодларидан барчасининг бахридан ўтади. У кўшинларига таянган ҳолда ўзбек феодал зодогонларини беаёв қира бошлади. У ер эгаларининг мол-мулки ва ерларини мусодара, ўзларини бадарга қилиб, ўлдиртириб юборди. Бу борада унинг энг яқин ёрдамчиси раис Раҳмонбеги Ниёз эди. Насруллохон ўз хукмронлиги даврида ислом шариати кўрсатмалари амал қилган. Насруллохон жасур ва довурак киши бўлганлиги боис унга “Баходир, Ботир” унвонлари берилган. Насруллохон давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида уруғ ва қавм бошликлари бўлган кўплаб амалдорларни қуйи табақалардан чиққан ёш ва ғайратли кишилар билан алмаштирди. 1837-йилда ҳарбий соҳада ислохотлар ўтказиб, ўз кўшининг жангавор ҳолатини яхшилади. Ҳар бири 800 кишидан иборат 50 та сарбозлар булуқлари ва 250 кишилик тўпчилар гуруҳи ташкил қилинган. Мунтазам пийда кўшининг сони 40 минг кишидан ортиқ бўлган. Насруллохон Хива ва Қўқон хонликларини Бухоро атрофида бирлаштиришда урунган. Мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини тиклаш учун 1840-42-йиллари Қўқон хонлари томонидан тортиб олинган Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Жиззах ва Зоминни Бухоро амирлигига қайтарди. Фаргона водийси уламоларининг талаби билан 1842-йили Қўқонга юриш қилиб хонлик ҳудудини эгаллаган. Бироқ у Қўқон хони Муҳаммад Алихонни қатл қилиш билан чекланмасдан, унинг онаси (Нодирабегим)ни ҳам ўлдиради. Насруллохон томонидан Қўқонга Иброҳим парвоначи мангитнинг ноиб қилиб қолдирилиши салбий оқибатларга ҳам олиб келган. Ноиб маҳаллий аҳолига зулм ўтказиб, солиқларни қўпайтирди. Натижада, тез орада Қўқон қўлдан кетади. 1843-йилда Насруллохон Марвни ҳам Бухорога бўйсунтиради. Шунингдек, Насруллохон кўшини 20 йилда олиб борган 32 та ҳарбий юришидан сўнг 1856-йилда Шахрисабзни узил-кесил эгаллаган. Шахрисабз марказий ҳокимиятга бўйсунгач, у сулҳ рамзи сифатида маҳаллий ҳукмдор - Искандар Валломанинг синлиси Қенағасхонимга уйланган.

Насруллохон хукмронлик қилган йиллар Туркистон минтақасида Россия Англия манфаатлари ўзаро тўқнашган давр ҳисобланади. Унинг даврида Насрулло томонидан Бухорода Қози Хасанхўжа, Олимжонбой, Эшони Пир, Мирзо Убайд, Исмоилхўжа (1829), Али Чубин, Мирзо Абдулғаффор, Тожиддин мадрасалари (1860) қурилди. Халифа Худайдод меъморай мажмуаси яқунланди (1855). Насруллохон Бухорода дафн этилган.